Ушбу сонда:
3 ҲАВО ЛАЙНЕРЛАРИ ҳақиқий мўъжиза
4 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
8 БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 26 август, жума № 138-139 (1980)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## КОРЕЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Конституциявий суди президенти Ёнг Чоль Юн раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова билан учрашди.***

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди. Меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, Омбудсман институти фаолияти билан яқиндан танишдилар.

(ЎзА)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

**Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон - «Олтин юлдуз» медали топширилсин:**

**Адилов Агитай** - Тахтакўпир туманидаги «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Темиров Ботир Даминович** - Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 1-технологик цехининг механиги

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 25 август



Адилов Агитай



Темиров Ботир Даминович

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:***

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ»**

**Рамазонова Ширин** - Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри актёри

**Расулов Ўлмас Мамасодиқович** - Республика мусиқа коллежининг анъанавий ижрочилик бўлими ўқитувчиси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАХШИСИ»**

**Маматмуродов Бобораим** - Сурхондарё вилояти Денов тумани маданият уйи қошидаги ёш бахшилар тўгараги раҳбари

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ»**

**Мельников Евгений Павлович** - Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ»**

**Каримов Абдуғани Набиевич** - «Устазода» халқ амалий санъати усталари корхонасининг наққош устаси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ШОИРИ»**

**Тоиров Маҳмуджон** (Маҳмуд Тоир) - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими масъул котиби

**Мирзаалиев Иқболжон Мирзакаримович** (Иқбол Мирзо) - «Ўзтелерадио» компанияси «Ассалом, Ўзбекистон!» студияси бош муҳаррири

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»**

**Ҳожиев Расул** - Сирдарё вилояти Янгиер қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежи директори

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ»**

**Абдураҳмонов Наби Қаюмович** - Ўзбекистон Ёшлар театри бадиий раҳбари

**Икромов Алишер Каримович** - «Ўзтелерадио» компанияси эстрада симфоник оркестри бадиий раҳбари ва бош дирижёри

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»**

**Айтниязова Элиза Байниязовна** - Бердах номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқий театри яккахон хонандаси

**Ортиқов Суръат Жўрабоевич** - Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри актёри

**Бўриева Комилахон Расуловна** - Ўзбекистон давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик кафедраси доценти вазифасини бажарувчи

**Ғаниева Рейхана Отабековна** - «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси (Райҳон Ғаниева)

**Исломов Акрам Икромович** - Республика ёш томошабинлар театри актёри

**Маматиллаохунова Мавлуда Одиловна** - Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри актёри

**Мансурхўжаева Саида Сайдирасуловна** - М.Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекциясининг «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли рақкосаси

**Матчонов Рустам** - «Ўзбекдавлат-цирк» бирлашмаси артисти

**Рўзиқулов Сайфиддин Нормўминович** - Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг опера хонандаси

**Сайидов Тоҳир Самандарович** - Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Солиев Нодир Набиевич** - Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг симфоник оркестри созандаси

**Тўрақулов Музаффар Ҳаитқулович** - М.Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри актёри

**Қодирова Нодира Фаттоховна** - Андижон вилояти «Мерос» ашула ва рақс ансамблининг хонандаси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙИ»**

**Азимов Тошпўлат** - Наманган вилояти Жийдакапа қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси

**Ашурова Марьям Ҳамидовна** - Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти доценти

**Ғуломов Мирзоҳид Мираҳмедович** - Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг чизмачилик ва расм фани ўқитувчиси

**Зоиров Комилжон Одилович** - В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицей директори

**Усмонов Аминжон** - Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз технология касб-ҳунар коллежининг умумтаълим фан ўқитувчиси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»**

**Обрўев Абдураззоқ** - «Ватанпарвар» газетаси бўлим бошлиғи

**Анорова Ойдин** - «Қашқадарё» газетаси бўлим муҳаррири

**Бобожонов Нозим Рамзович** - «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбекистон» телеканали Бош дирекцияси дастурлар директори

**Нуриддинов Хайрулла Боқижонович** - «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканали бош директори

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИХТИРОЧИ ВА РАЦИОНАЛИЗАТОР»**

**Исматхўжаев Саъдулла Қудратович** - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институтининг лаборатория мудири

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»**

**Абдураҳимов Мақсуд Муғалимович** - Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими

**Гамбарова Флорида**

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТИМИЗ ТОБОРА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

### Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 25 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди

Истиқлол йилларида жаннатмонанд юртимизнинг шаҳар ва қишлоқлари мутлақо янгича қиёфа касб этди. Янгидан бунёд этилаётган замонавий корхоналар, шинам турар-жойлар, коллеж ва лицейлар, барча қулайликларга эга тиббиёт муассасалари, равон йўллар, маҳобатли кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар юртимиз чиройига чирой қўшмоқда.

Бетакрор диёримизнинг кўрку тароватини ўзида намоён этадиган пойтахтимиз Тошкент шаҳрини бугун улкан қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Айниқса, бош шаҳримизнинг шукуҳига шукуҳ қўшаётган кенг ва равон йўллар, кўприк ва транспорт боғламалари барчанинг эътиборини ўзига тортади. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва кўрсатмаси билан шаҳарнинг турли мавзе ва даҳаларини бир-бири билан боғлайдиган йўллар, кўча ва кўприкларнинг бунёд этилиши Тошкентнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Пойтахтимизнинг Шароф Рашидов, Юсуф Хос Ҳожиб ва Миробод кўчаларининг кенглиги илгари ўн метрдан ошмас эди. Бунинг устига, трамвай йўли бу ердаги транспорт ҳаракатига халақит берарди. Лойиҳачилар, йўлсозлар, транспортчилар ва бошқа мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мазкур кўчалар қисқа муддатда кенгайтирилди, саккиз қатор транспорт бемалол ҳаракат қила оладиган ҳолатга келтирилди. Кўчалар атрофида ободончилик ишлари амалга оширилиб, коммуникация тизими янгиланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.



Юртбошимиз кўчалар атрофидаги биноларнинг кўриниши, безатилиши ана шундай равон кўчаларга мос бўлиши зарурлигига эътибор қаратди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Тошкент ҳалқа йўлида -Сирғали тумани ҳудудидаги катта чорраҳада барпо этилган йўл ўтказгич билан танишди. Пойтахтимизнинг Усмон Носир кўчаси Сирғали, Қўйлиқ ва Отчопар бозорига борадиган йўллар билан кесишадиган жойда қурилган ушбу кўприкнинг узунлиги 49 метр бўлиб, уч ярим ойда ишга туширилди.

Президентимиз янги кўприк билан танишар экан, мамлакатимиз бўйлаб бу каби кўприк ва йўл ўтказгичлар, равон ва кенг йўллар қурилишига катта аҳамият берилаётганининг сабабларига эътиборни қаратди.

- Ҳар қандай йўл ёки кўприкни бунёд этишда, муайян мақсадлар назарда тутилади, - деди Ислом Каримов. - Бу борадаги ишларнинг мазмун-моҳиятида узоқ йўлни яқин қилиш, йўловчиларнинг оғирини енгиллаштириш, мамлакатимиз минтақаларини бир-бири билан боғлаш, йўл учун сарфланадиган ортиқча харажатларни камайтириш каби кўплаб муаммоларга ечим топишдек эзгу ниятлар мужассам.

*(Давоми 2-бетда)*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

***2005 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси М.Шарифхўжаев олиб борди.***

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг парламент юқори палатасининг учинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ўтган давр мобайнида қилинган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Қўмита раислари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда учинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритиш мўлжалланган бошқа ҳужжатлар тайёр эканлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

***Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталари мажлислари ҳам шу куни бўлди.***

Қўмиталарнинг раислари F.Алиев ҳамда И.Собиров томонидан олиб борилган мажлисларда Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида 19 август куни ўтказилган Сенат Кенгашининг АҚШ қуролли кучлари контингентини «Хонобод» (Қарши) аэродромидан олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир гуруҳ сенаторларининг мурожаатномаси тўғрисидаги Қарори муҳокама этилди.

Қўмита мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқиндагина эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари кўриб чиқилди. Сенаторлар бу ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритар эканлар, мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотида, жиноий жазолар тизимини либераллаштиришда мазкур фармонлар муҳим босқични бошлаб беради деб айтдилар. Улар ана шу фармонларнинг, амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг кўламда тушунтириш ишлари ўтказиш зарур эканлигини алоҳида таъкидладилар. Сенаторлар шунингдек, учинчи ялпи мажлиснинг кун тартибига киритиш мўлжалланган масалаларни, шу жумладан Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга юборилган қонунларни ҳам муҳокама этдилар, биринчи ярим йилликдаги ўз фаолиятлари якунларини таҳлил қилдилар, минтақаларда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳамкасабаларга ахборот бердилар.

Сенат қўмиталари кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.

***Инсон ҳаётида шундай масофасиз руҳий яқинлик борки, уни одамлар фақат қалб билан ҳис қилиши, кўнгил билан англаши мумкин. Миллати, тили, эътиқодидан қатъи назар одамзод булбул навосини таржимасиз тушунгандек, қалбга қувонч, шодлик, руҳий бедорлик олиб кирадиган неки оҳанг борки, бари-баридан руҳий озуқа олади. Юракка яқин ана шу оҳанг албатта, мусиқадир. Яхши куй-қўшиқ қайси тилда янграмасин кўнгилдан ғуборларни ювади, юракнинг туб-тубига етиб бориб, туйғуларни уйғотиб, уларга қанот бағишлайди. Шу боис санъат чегара билмайди.***

## «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мусиқа – эзгулик ва нафосат тимсоли сифатида миллатларни бир-бирига боғлайди. Дўсту биродар, ҳамкору ҳамфикр қилади. Тинчлик – хотиржамлик, аҳиллик бор жойда тараққиёт, ривожланиш, хайру барака бўлади. Юрти тинч, осмони беғубор, тонглари осуда инсонларгагина қўшиқ, байрамлар ярашади.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ҳар куни юртимизда тўю тантана. «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивалига ёш истеъдодлар учун таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими уланиб кетди. Сўнгра «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловининг якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Бугун эса барчанинг нигоҳи рўйи замин сайқали ҳисобланмиш кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандга қаратилган. Қадимий шаҳар янада яшнаб зебоданган. Айниқса, Регистон ҳар қачонгидан чирой очган. Куни кеча бу ерда «Шарқ тароналари» V халқаро мусиқа фестивали ўз ишини бошлади. 50 дан ортиқ мамлакатдан 500 га яқин ижрочилар, мусиқашунос ва меҳмонлар, шунингдек, журналистлар жаҳон халқлари эътиборида бўлган фусункор шаҳарга ташриф буюрдилар. Анжуманда нафақат Шарқ мамлакатлари, балки Америка ва Европа давлатларидан ҳам санъатшунос ва мусиқа ихлосмандларининг иштирок этаётганлиги унинг нуфузи тобора ошиб бораётганлигидан далолат. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиш тантаналари анъанага кўра маҳобатли Регистон майдонидан бошланди.

*(Давоми 8-бетда)*

## ХАЛҚ ТАЛАБИ - ҲАҚЛИ ТАЛАБ

2001 йилда Америка Қўшма Штатлари Афғонистон ҳудудида антитеррор ҳаракатини бошлаганида мамлакатимиз раҳбарияти Вашингтоннинг илтимосини инобатга олиб, Қашқадарё вилоятининг «Хонобод» аэродромини қутқарув-қидирув ишларини олиб бориш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадларида фойдаланиш учун АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига вақтинчалик ижарага берган эди. Ўшанда халқаро жамоатчилик Ўзбекистоннинг бу дадил қарорини қутлаган эди.

Афғонистон ҳудудида фаол ҳарбий ҳаракатлар тугаганидан кейин, табиийки, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентининг «Хонобод» аэродромидан фойдаланишига ҳожат қолмади. Шу боис мамлакатимиз 2002 йил охирида, яъни келишувда кўрсатилган муддат тугагач, ҳақли равишда аэродромдаги Америка ҳарбийларининг статуси ҳақидаги масалани АҚШ раҳбарияти вакиллари олдига қўйди. Бироқ Вашингтон турли важ-корсонлар билан бу ишни ортга суриб келмоқда.

Айни кунларда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли самолётларнинг учиб-қўниши аҳоли саломатлигига, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётгани, аэродромга яқин ҳудудларда деҳқончилик қилиш, кундалик турмуш учун турли муаммолар юзага келаётгани ҳақида тез-тез эшитяпмиз, ўқияпмиз, кўряпмиз.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида АҚШ қуролли кучлари контингентини «Хонобод» аэродромидан олиб чиқиб кетиши билан боғлиқ масала юзасидан бир гуруҳ сенаторларимизнинг асосли мурожаати кўриб чиқилди. Бу юртдошларимизни қувонтирди.

Вашингтон ўз мамлакати ва халқининг манфаатларини ҳимоя қилади. Буни яхши тушунамиз. Аммо нима сабабдан Ўзбекистоннинг бағрикенглигини суиистеъмол қилиб, бизнинг юртимиз манфаатлари билан ҳисоблашмайди. Буни тушуниш қийин. Зотан, биз ҳам аввало ўз манфаатларимизни ўйлаймиз.

Модомики, АҚШ ўзини демократия ва адолат тарафдори деб даъво қилар экан, унинг ўзи ҳам бу қонун-қоидаларга ҳуқуқий давлатга ярашиқли тарзда риоя қилиши шарт эмасми?

АҚШ ҳарбий кучлари контингентини юртимиздан олиб чиқиб кетишини халқимиз талаб қилмоқда. Халқ талаби - ҳақли талаб. Қолаверса, шартномага риоя қилиш ҳуқуқий давлатларга хос хусусият. Биз АҚШни ана шундай ҳуқуқий давлат деб биламиз.

**Бахтиёр НАВРЎЗЗОДА,**
**Бухоро давлат университети профессори, иқтисод фанлари доктори**

**(ЎзА)**

# ҲАВО ЛАЙНЕРЛАРИ

## ҳақиқий мўъжиза




***Россиянинг Жуковский шаҳрида очилган халқаро аэрокосмик салон қатнашчиларида 10-павильонга қўйилган экспозиция катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда жаҳон самолётсозлик саноатининг етакчиларидан бири - Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акционерлик жамиятида тайёрланган ҳаво лайнерлари намойиш қилинди. Бирлашма бу йил тўртта самолётни кўргазмага қўйган. Уларнинг иккитаси Шарқий Европа ва Осиёда тенги йўқ ҳисобланади.***

Сўнгги вақтда Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти томонидан шовқин ва эмиссия бўйича чекловлар жорий этилгани ҳамда ёнилғи қимматлашгани боис самолётлар ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчилар учун ҳаво кемаларини модернизациялаш устувор вазифага айланди. Ўзбекистон авиасозлари Россиянинг "Ильюшин" авиация мажмуи, "Волга - Днепр" компаниялар гуруҳи ва "Пермские моторы" корхонаси билан биргаликда яратган Ил-76 самолёти бу талабларга тўлиқ жавоб беради.

Янги самолёт ишлаб чиқариш синовларидан муваффақиятли ўтди. У такомиллаштирилган, янада кучли ва шовқини камроқ энг замонавий бошқарув ускуналари билан жиҳозланган. Ҳар қандай халқаро йўналишларда уча олади. Халқаро авиасалонда янги Ил-114 ЛЛ самолёти ҳам намойиш этилмоқда. У модернизация қилинган двигател ва рақамли бошқарув мажмуи билан жиҳозланган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган самолётлар барча қитъалар узра парвоз қилмоқда. Улар Сурия, Ливия, Миср, Жазоир, Ҳиндистон, Хитой, МДҲ мамлакатлари ва бошқа давлатларда муваффақиятли ишлатилмоқда. Хориж-лик экспертларнинг фикрича, республикамиз авиасозларининг салоҳияти жуда катта.

Мустақиллик жамоа олдида янги имкониятлар очди. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқа мамлакатлардаги ҳамкасблар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, илғор технологияларни жорий этиш, зарур ускуналарни сотиб олиш имконияти туғилди. Корхонада кенг кўламли қайта қуриш ишлари амалга оширилди. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, компьютерлаштириш ишлари кенгайтириляпти. Замонавий ихтисослашган ишлаб чиқариш тармоғи шакллантирилди. Бугунги кунда бирлашма Осиё - Тинч океани минтақасида энг катта авиация мажмуи ҳисобланади.



Ташқи иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашуви ўзига хос самолётлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берди. Ил-76 самолётларини яратишда "Ильюшин" авиация мажмуи билан ҳамкорлик кенгайтирилди. Ишлаб чиқариш жараёнида лайнер мунтазам такомиллаштирилмоқда. Техник кўрсаткичлари ва фойдаланиш сифатлари яхшиланмоқда. Унинг бир неча тури ишлаб чиқарилган бўлиб, ҳар бири ўз ихтисосига эга.

1995 - 2004 йилларда бирлашмада сифат тизимини такомиллаштириш ва уни халқаро сифат стандартига мослаштириш бўйича катта ишлар қилинди. Ўтган йилнинг ноябрида "РВ ТЮФ" халқаро сертификация органи аудит ўтказди. Натижада бирлашманинг сифат тизими маъқулланди ва корхонага уч йил муддатга тегишли сертификат берилди. Унинг доирасига Ил-76, Ил-114 самолётлари ва уларнинг турларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш киради. Табиийки, буларнинг ҳаммаси жаҳон бозорида бирлашма маҳсулотига қизиқишни оширмоқда.

Бу йил бирлашма жамоаси навбатдаги, янада истиқболли лойиҳани амалга ошириш ниятида. Яқингача Ил-114-100 замонавий вакили ўз тоифасида энг яхши самолёт, деб тан олинган эди. Икки йил давомида у "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг республикамиз йўналишларида муваффақиятли ишлатилмоқда.

Хўжалик юритишнинг янги шароитлари ишлаб чиқаришни талаб даражасига етказишни тақозо этади. Шу боис бирлашмада асосий, юқори технологик маҳсулот - самолётлардан ташқари кенг халқ истеъмоли моллари ҳам тайёрланмоқда. Коллеж ва лицейлар учун мебел, болалар майдончалари учун қурилмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Харидорлар корхонада ишлаб чиқарилган болалар аравачалари, кир ювиш машиналари, турли маиший асбобларни бажонидил харид этишмоқда. 150 га яқин турдаги бундай маҳсулотни тайёрлаш билан 9 та ихтисослашган цех ҳамда 50 та участканинг қўли гул усталари шуғулланишмоқда.

Дарҳақиқат, ўтган йиллар республика авиаходимлари учун муҳим воқеаларга бой бўлди. Мустақиллик шароити бу улкан тармоқни юксалтириш учун қулай шароит яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан "Ўзбекистон Ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси тузилди. Соҳамизга бўлган катта эътибор, изчил амалга оширилган ислоҳотлар шарофати ила бугунги кунда давлатимиз рамзи туширилган замонавий ҳаво лайнерлари бутун дунё бўйлаб учмоқда.

Йўловчиларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш миллий авиакомпаниямизнинг бош вазифасидир. Айни пайтда учувчиларимиз 20 дан зиёд Халқаро йўналишларда ҳаракат қилишяпти. Ушбу рейслар замонавий Боинг-757/765, А-310 ҳамда РЈ-85 ҳаво лайнерларида бажарилмоқда. Мамлакатимиздаги "Самарқанд", "Бухоро", "Урганч" аэропортлари ҳам халқаро аэропорт номини олди. Ўтган йиллар давомида мана шундай шарафли ишни амалга ошираётган тармоқ ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш ишлари амалга оширилди. Уларни соғломлаштириш, жамоаларда маданий-маърифий ҳамда спорт, жисмоний тарбия ишлари йўлга қўйилди. Бу вазифалар республика авиаходимлар касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан амалга ошириляпти. Бунда "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолотлари тўғрисида"ги қонун, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши ҳаракат дастурлари ҳамда бошқа муҳим ҳужжатлар дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган йиллар давомида тармоқ ходимларига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида барча имкониятларни ишга солдик. Бу муҳим вазифанинг тўлақонли бажарилишида Марказий кенгаш ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, республика бош гидромети ўртасида тузилган битимлар, таркибий бўлинмалардаги жамоа шартномалари муҳим аҳамият касб этди. Марказий кенгаш раёсат мажлисларида кўрилган масалаларнинг аксарияти тармоқ меҳнаткашлари манфаатларини ҳимоялаш, иш ҳақи, меҳнат муҳофазаси ҳамда қонунчилигига риоя этиш масалаларига қаратилди.

Республикамизда Мустақиллик байрами тобора яқинлашиб келмоқда. Биз мазкур байрамда ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда меҳнат фахрийларини корхоналарга таклиф этмоқдамиз. Узоқ йиллар тармоғимизда ишлаган фахрийларимизнинг мароқли суҳбатлари ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Тармоғимиздаги барча бошланғич ташкилотларда мазкур байрамни муносиб кутиб олиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

**Шавкат МИНГАЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Авиация ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши раиси**

---

### *Истеъмолчи манфаати — муқаддас*

***Жамоат ташкилотлари аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида катта куч эканлигини амалий ҳаракатлари билан исботлаб келмоқдалар. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Тошкент вилоят бирлашмаси фаолияти ҳақида ҳам ана шундай фикрлар билдириш мумкин. Хўш, шундай экан, тармоқда ўтган давр мобайнида қандай ишлар амалга оширилди? Мухбиримиз ана шундай савол билан бирлашма раиси Камол Шодиметовга мурожаат қилди:***

# ҚОНУН ТАЛАБИНИ БУЗГАНИ УЧУН

– Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси таркибида иш юритаётган бирлашмамиз асосан жамоатчиликка таяниб фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси, солиқ қўмитаси, стандартлаш ва метрология бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати, «Маҳалла» жамғармаси каби ташкилотлар билан ҳамкорликда иш юритамиз. Вилоят ҳокимияти, Федерациямизнинг қарорлари ва истеъмолчилардан тушаётган шикоят, аризалар асосида мониторинглар ўтказиб турилади.

2004 йилда мактаб ўқувчилари ўртасида кўрик-танлов ўтказилди. Ғолиблар диплом ва совғалар билан тақдирланди. «Энг зукко истеъмолчи» республика кўригида вилоятимиз вакили Н.Қаҳҳоров ғолиб бўлди. Корхоналарда, хусусий фирмаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни муваффақиятли реклама қила олиш ҳам ютуқларга олиб келувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу ўринда маҳсулотларга қўйиладиган ёрлиқларнинг аҳамияти катта. Шуни ҳисобга олиб, вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси билан товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларига бераётган маълумотлари, яъни товар ёрлиқларини ўрганиб чиқишда ва уларнинг қонун талабларига мослигини аниқлашда ҳамкорлик қилиб, «Товар ёрлиқлари кўриги» ўтказилди. Қонун ва меъёрий ҳужжатларга жавоб бермайдиган товар ёрлиғидан фойдаланаётган ишлаб чиқарувчиларга камчиликларини бартараф қилиш юзасидан кўрсатмалар берилиб, хатлар юборилди.

Истеъмолчилардан коммунал хизматлар, савдо хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича тушаётган ариза ва шикоятлар ўрганилиб, натижалари монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармасига, солиқ қўмитасига, стандартлаштириш ва метрология ташкилотига, санитария эпидемиология назоратига тегишли чора кўриш учун юборилди. Олинган жавоблар истеъмолчиларга етказилди.

Масалан, Зангиота тумани, Ўртаовул қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи аҳолидан тушган аризада кўп қаватли уйларнинг ертўлаларида сув борлиги, чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмаслиги, ичимлик сув берилишида узилишлар бўлиши, уйларни иситиш учун олинадиган ҳақларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаб беришни сўраб мурожаат этилган эди. Текширишда келтирилган фактлар тасдиқланди. Камчиликлар тугатилиб, истеъмолчиларга жавоб хати юборилди.

Оҳангарон шаҳрида жойлашган «Сетора» хусусий фирмасига қарашли «Давр» дўконида ўтказилган мониторингда ярокдилик муддати ўтиб кетган сарёғ ва маргаринлар истеъмолчиларга сотилаётганлиги кузатилган. Бу ҳақдаги ҳужжатлар вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига юборилди. У ердан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун талабларини бузганлиги учун хўжалик субъектига нисбатан энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорида жарима белгиланганлиги ҳақида жавоб хати олинди.

Қибрай тумани, А.Навоий номли кўча 5-уйда истиқомат қилаётган М.Реброва Тошкент шаҳридаги «Кристал» кимёвий тозалаш корхонасига пальто ва рўмол топширган. Фирма томонидан технологик жараёнларнинг бузилиши натижасида ушбу буюм фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ребрgroванинг бизга ёзган аризаси асосида аҳвол ўрганилганида, мижоз ҳақ эканлиги маълум бўлди. Кўрилган моддий ва маънавий зарар фирмадан ундирилди.

Вилоят ҳокимлигининг оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги қарорига кўра туман ва шаҳарлар ҳудудида сотилаётган ош тузларининг сифати, йодланиш даражаси, сақланиш муддати кабилар бўйича 209 та савдо шохобчаларида мониторинглар ўтказилди. Тошкент шаҳридаги ва вилоятдаги туз ишлаб чиқарувчи ва қадоқловчи корхоналарнинг иш амалиёти ўрганилди.

Йод миқдори меъёрдан кам, ёки йодланмаган, яроқлилик муддати ўтиб кетган, сертификатсиз ош тузлари билан савдо қилаётган сотувчиларнинг бир гуруҳига нисбатан тегишли чоралар кўриш сўралиб, ҳужжатлар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига, санитария эпидемиология назоратига юборилди. Истеъмолчиларнинг йодланмаган ош тузларини сотиб олмаслиги ва истеъмол қилмаслиги бўйича телевидение, радио, газеталарда чиқишлар қилинди. Жойларда тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўтган даврда вилоят ҳудудий бирлашмамизга 480 та ёзма, оғзаки, телефон орқали шикоят ва аризалар тушди. Улар асосида мониторинглар ўтказилиб, кўп муаммолар ўз жойида ҳал этилди. Қолган қисми монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига, солиқ қўмитасига, стандартлаштириш ва метрология бошқармасига, санитария-эпидемиология назоратига юборилди ва тегишли жавоблар олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида бирлашма асосий эътиборни аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга, таянч гуруҳлари ва аъзолари сонини оширишга қаратиб келмоқда. Бугунги кунга келиб, корхона, ташкилот, тиббиёт муассасалари, мактаб ва коллежларда 1240 та таянч гуруҳлари ва 23 минг аъзолари бор.

Аҳолининг истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари учун «Истеъмолчилар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида» мавзусида ўқув-семинарлар ўтказилди. Унда вилоят ташкилотларининг раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этиб, маърузалар қилдилар ва саволларга жавоб бердилар. Семинар қатнашчиларига сўровномалар тарқатилиб, шаҳарларда ва туман марказларида савдо, хизмат кўрсатиш тармоқларидаги аҳвол, муаммолар, камчиликлар ҳақида жавоблар олинди. Улар умумлаштирилиб, муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилмоқда, камчиликларни бартараф этиш учун тегишли ташкилотларга юборилмоқда.

**Суҳбатдош:**
**Т.ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

### *Сиз қандай дам олаяпсиз?*

***Ёзнинг жазирама иссиғи авж пардасига кўтарилганда бирон соя-салқин масканда даволаниб, дам олишим керак, дегувчиларнинг аксариятини меҳнат фахрийлари ташкил этиши табиий. Чунки бу ёшдагилар ўғил-қизлари ташвишларидан қутулган, эзгу истак-орзуларига эришган кишилар бўладилар. Мен ҳам қайси санаторийга йўлланма олсам экан, деган ширин хаёллар оғушида юрган пайтларим эди. Бозор-ўчаримни қилиб, «Чорсу»даги ошхоналардан бирига кирдим. Қаршимда ўтирган наманганлик Абдукарим ака билан бир пиёла чой баҳона суҳбатга киришиб кетдик. У «Ботаника» санаторийсида мириқиб дам олиб, қайтишда йўл-йўлакай бозорга тушган экан.***

# ШИРИН СЎЗ – ШИФО

– Ҳар йили бўлмаса ҳам, лекин икки йилда бир марта шу санаторийда ҳордиқ чиқармасам, хумори тутади, – деди у. – Сабаби бу ерда даволаниш ва дам олиш учун барча шароитлар яратиб берилган. Мўътадил ҳавоси, шарқираб оқаётган Бўзсувнинг салқин шабадаси, шифокору ҳамшираларнинг ширин муомаласи, орттирган янги дўстлар билан мулоқотлар узоқ вақт эсимдан чиқмаса керак.

Хуллас А.Субонов билан тасодифан учрашувимиз мени қайси сиҳатгоҳга йўлланма олишим кераклигини белгилаб берди. Июн ойининг бошида 2 та йўлланма қўлга тегди. Умр йўлдошим билан эрталаб йўлга тушдик. «Ботаника» Тошкент шаҳридан 30 километрча нарида жойлашган экан. Шарқона усулда қурилган замонавий кўп қаватли ётоқхоналар, янги ошхона, 19 гектарли боғдаги баҳайбат чинорлар диққатингизни беихтиёр ўзига тортади. Санаторий ёнидан оқиб ўтувчи зилол сувдан ҳосил бўладиган табиий гидронланиш беморлар учун шифобахш неъмат ҳисобланар экан. Буюк аллома Ибн Сино ўзининг тиббиёт тўғрисидаги асарларида об-ҳаво ва маъданли сувларнинг фойдалилиги хусусида бекорга тўхталмаган бўлса керак.

Тиш даволаш хонаси, биллиардхона, сартарошхона, ёзги кинотеатр дам олувчилар ихтиёрида. Зерикишга вақт тополмайсиз. Китобсеварлар учун 8 мингта китоб фондига эга бўлган кутубхона мунтазир.

Телефон орқали исталган шаҳар ва туман билан боғланишингиз мумкин. Бўзсув узра қўйилган каравот-сўриларда ёнбошлаб, аччиқ кўк чой ичиб, ярим дарддан халос бўласиз. Дўстларингиз билан дилкаш суҳбат қурмоқчи бўлсангиз, марҳамат, чойхоначига бир оғиз илтимос қилсангиз бас, димламами, паловхонтўрами бир зумда ҳозиру нозир.

Вақти-вақти билан Тошкент шаҳри ва Бўстонлиқ туманининг диққатга сазовор жойларига сайр қилиб, янги кино тасмалари, таниқли хонандаю созандалар ижросидаги концертларни кўриб, қизиқарли мавзулардаги суҳбатларни тинглаб ёки оммавий маданий тадбирларда иштирок этиб, илиқ таассуротларга эга бўласиз.

Сўз ҳам даво, дейди халқимиз. Ўзларининг хушмуомалалари, меҳр-оқибатлари, ғамхўрликлари орқали мижозлар кўнглини олаётган, ўз бурчларини сидқидилдан оқлаётган Ш.Насриддинова, Г.Юнусова, М.Шермонқулова, Д.Акбаров, Б.Яхъёева, Э.Мирзаҳмедова сингари ўз касбининг фидойилари даволанувчилар дуосини олиб, меҳр-эътиборига сазовор бўлаётир.

–Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан даволанишга келганларга ҳозиргидан ҳам кўра қулай шарт-шароитлар яратиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан ишлаб чиқилган дастур амалиётга тадбиқ этиляпти, –дейди сиҳатгоҳ бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Мирабзал Юнусов. – Жумладан, янги автобус сотиб олинди, 2 гектарлик янги мевали боғ ташкил қилинди, 6-корпус қайта таъмирдан чиқарилди. Шифокорлар малакасини ошириш институтидан профессор Элнур Шайхов белгиланган вақтларда жамоамиз аъзолари билан касб маҳоратини ошириш мавзуларида учрашувлар, суҳбатлар ўтказмоқда.

**Қ.НОРИМОВ,**
**меҳнат фахрийси**

---

# ҲИММАТ

Фарғона туманидаги «Сайқал» фирмаси раҳбари Юсуфжон ака Солиев хайрли ишга қўл урди. Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида унинг кўмагида Чимён қишлоғида спорт мажмуаси қуриб битказилди. Янги спорт мажмуасида спортнинг стол тенниси, волейбол, баскетбол, футбол сингари турлари билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган.

- Фарзандларимиз соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз лозим, - дейди тадбиркор Юсуфжон Солиев. - Шу боис бу ишга астойдил бел боғладик. Ниятларимиз катта. Бу ерда қишки спорт зали қурилишини ҳам бошлаб юборганмиз.

Спорт мажмуасининг тантанали очилиши муносабати билан бу ерда қизиқарли спорт мусобақалари ўтказилди.

**(ЎзА)**

---

# ГУЛ БАЙРАМИ

Гуллар азалдан гўзаллик рамзи ҳисобланиб келган. Улар кўнгилда ёрқин ҳислар уйғотиб, кишига чексиз завқ-шавқ бағишлайди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан Бухоро шаҳрида ўтказилган гуллар байрамида иштирок этган кишилар қалбида ана шундай туйғулар тўлиб тошди.

Тадбир вилоят хотин-қизлар ва табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, Бухоро шаҳар ҳокимлиги ва бошқа бир қатор муассасалар ташаббуси билан ўтказилди. Мақсад - жамоатчилик эътиборини ободончиликка, экология ва атроф-муҳитни асрашга қаратиш, ёшларни гўзаллик, табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, гулчилик анъаналарини янада ривожлантиришдан иборат.

Байрамда ўқувчи ва талаба-ёшлар, корхона ва ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари, каттаю кичик гул шайдолари иштирок этди. Унда гуллар дунёси акс эттирилган тасвирий ва амалий санъат намуналари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Гуллар композицияси кўрик-танловида уларнинг энг ноёб турларини намойиш қилган Бухоро Давлат университети жамоаси ғолиб деб топилди.

---

### *Меҳнат муҳофазаси*

***Мустақиллик йилларида касаба уюшмаларининг фаолияти тубдан ўзгарди. Эндиликда мазкур ташкилот меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда иш ҳақи ўз вақтида берилишини назорат қилиш каби ўта муҳим вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда.***

# ЛОҚАЙДЛИК

## касаба уюшмалари ҳаракатини йўққа чиқаради

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавф-хатарсиз меҳнат шароитларини битим ва келишувлар асосида иш берувчилар томонидан яратилиши, иш жойларининг аттестациядан ўтказилишини мунтасил равишда назорат қилиб келаяпти. Иқтисодий ислоҳотларнинг самараси ўлароқ хўжалик ва ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилди. Натижада тармоқдаги кўпгина корхона ва хўжаликлар узоқ вақт давомида бахтсиз ҳодисаларсиз фаолият кўрсатишмоқда. Лекин уларнинг айримларида техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитариясини назорат қилувчи мутахассисларни, ҳаттоки бўлимларни қисқартириб юбориш ҳолатлари учраяпти. Бу эса "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунга мутлақо зиддир.

Шунингдек, айрим жойларда техника хавфсизлиги муҳандисларини тез-тез алмаштириш, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, баъзи ҳолатларда бу ишни малакасиз, алоқаси бўлмаган кишиларга юклатиб қўйиш ҳоллари учраб турибди. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашларида мазкур соҳага масъул бўлган ва тармоқдаги барча мулкчилик шаклидаги корхона ва хўжаликларда техника хавфсизлиги қоида меъёрларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб борувчи - меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар лавозимларини асоссиз равишда қисқартирилганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бу ишловчиларга соғлом ва хавф-хатарсиз меҳнат шароитларини яратиш масаласи иш берувчилар томонидан иккинчи даражали вазифага айланиб қолганлигини англатмайдими? Ёки бу меҳнатни муҳофаза қилиш сарф-харажатларини камайтириш эвазига маблағ тежашга уринишнинг янгича кўринишими?

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзагромашсервис", "Ўзпахтасаноат" уюшмаларида меҳнатни муҳофаза қилиш тизими яхши йўлга қўйилмаган. Оқибатда мазкур ташкилотлар тизимидаги корхоналарда бахтсиз ҳодисалар сони камаймаяпти. Ўтган йиллар давомида касаба уюшмалари мутахассислари томонидан техника хавфсизлиги талабларига жавоб бермаганлиги учун 570 та асбоб-ускуна, 104 та ишлаб чиқариш участкалари ҳамда цехларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилди. Меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилинишини таъминламаган ва уни бузганлиги учун мансабдор шахслардан 183 нафарига маъмурий жазо чоралари кўрилди. Бир неча бор огоҳлантиришга қарамасдан қўпол камчиликларга йўл қўйган 19 нафар раҳбар ва масъул ходимлар жиноий жавобгарликка тортилиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ҳужжат топширилди. 37 нафар мансабдор шахс ўз вазифасидан озод этилди. Ўтган беш йил давомида ишлаб чиқариш билан боғлиқ жами 465 та бахтсиз ҳодиса содир этилди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги "Қиличиноқ" фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида бир гуруҳ ишчилар бахтсиз ҳодисага учрашган. Улар Амударёнинг чап қирғоғида жойлашган "Ўртатўқай" ер майдонига қайиқда сузиб ўтиш пайтида дарёга чўкиб ҳалок бўлишган. Шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Нишон ва Ғузор туманларида ташкил этилган фермер хўжаликларида ҳам бахтсиз ҳодисалар содир бўлган.

Бундай салбий ҳолатлар меҳнат муҳофазаси борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни йўққа чиқармоқда. Жамоа келишувлари, шартномалари ва битимлар шартларининг бажарилмаслигига олиб келяпти.

Айрим жойларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунлар, қоидалар ва меъёрларнинг иш берувчилар томонидан бузилиши ишчи-хизматчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бахтсиз ҳодисалар жараёнида жароҳатланиш, касб касалликларига учраш ҳолатлари мавжуд. Маълумки, жамоа шартномаси, ундаги меҳнат муҳофазаси бўйича битим ва келишувлар корхона миқёсида меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кафолотловчи муҳим ҳужжат. Шу боис барча даражадаги касаба уюшма ташкилотлари меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоа шартномаси моҳиятини кенг омма ўртасида изчил тушунтириб боришлари зарур. Уни бажармаганлик учун жавобгарлик ҳақида хўжалик раҳбарлари ва касаба уюшма қўмиталарини огоҳлантириш учун тезкор чоралар кўришлари зарур.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

# ПАХТАЗОР ЧИРОЙИ

***Навбаҳор туманидаги «Мадамин Муслим» фермер хўжалиги деҳқонлари бу йил ғаллачиликда Навоий вилоятида энг юқори кўрсаткич - 70 центнердан дон олишга эришган эди. Улар пахтачиликда ҳам яхши натижаларни кўзлаб меҳнат қилмоқда.***

- Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг ғўза парваришини уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатномаси бизга дастуриламал бўлмоқда, - дейди фермер хўжалиги раиси Ёри Аҳмедов. - Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида биз, фермерлар ҳам энг азиз, энг улуғ байрамимизга муносиб совға ҳозирлаяпмиз. Ҳисоб-китобларимизга кўра, шу кунгача ҳар гектар майдонда камида 49 центнердан ҳосил тўплашга эришдик.

Навоий вилоятида илғор фермерлар кўп. Кармана туманидаги «Лочин», Хатирчи туманидаги «Гўзал Маржона», Қизилтепа туманидаги «Шодиобод», «Валиобод» каби фермер хўжаликлари шулар жумласидан.

39 минг 400 гектар майдонда ғўза парваришлаётган навоийлик миришкорлар вегетация даврида ғўза қатор ораларига тўққиз марта ишлов берди. Пахта далаларида 747 культиватор кучидан унумли фойдаланилмоқда.

**(ЎзА)**

# «Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

## МЕРОС БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММО

**Саволингизга ҳуқуқшунос Дилором Ҳатамова жавоб беради**

***САВОЛ: мерос билан боғлиқ ишларни судда кўриш тартиби хусусида маълумот берсангиз.***

**С.СУЛТОНОВА,**
**Тўрткўл тумани**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси томонидан бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини ташкил қилган турли мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишининг кафолатлаб берилиши мамлакатимизда мулк ва мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи объектлардан бири мерос ҳуқуқи давлат ҳимоясида эканлиги эътироф этилди, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилди.

Шу муносабат билан 1997 йил 1 мартдан бошлаб амалга киритилган Фуқаролик кодексининг (1112 - 1157 моддаларида) мерос қонунчилигига ҳам жиддий ўзгаришлар киритилди. Ушбу Қонунларни қўллашда нафақат суд амалиётида балки фуқароларнинг мерос билан боғлиқ низоларида ҳам айрим тушунмовчилик ва муаммолар кўтариб чиқилдики, оқибатда мазкур Қонун моҳиятини атрофлича ёритиб беришни тақозо этувчи ҳамда судларга тегишли тушунтириш кўрсатмалар жамланган Республикамиз Олий суди Пленумининг "Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Унда юқорида баён этилган тушунмовчилик ва муаммоларнинг ечими ўз аксини топган бўлиб, судлар учун улар томонидан мерос билан боғлиқ фуқаролик ишларининг судда кўрилишида дастуриламал мавқега эга.

Ворислик ҳуқуқи институти Фуқаролик кодексида мукаммал ёритилган бўлиб, мерос тўғрисидаги низолар бўйича ишлар судларда умумий даъволар тартибида ишни кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозимдир.

Бундай турдаги даъволар бўйича барча меросхўрлар тегишлилиги бўйича даъвогар ёки жавобгар сифатида ишга жалб қилинишлари шарт, шу ўринда мазкур даъволар билан манфаатдор шахс мерос мулки жойлашган ҳудуддаги ёки мерос очилган жойдаги туман (шаҳар) туманлараро судига мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтириш керак.

Ишни суд мажлисида кўришга тайёрлашда, судья ФПКнинг 158, 159-моддалари талабларини тўлиқ бажариши керак, яъни уларнинг ҳуқуқий муносабатларини, ишни кўришда амал қилиши лозим бўлган қонунни, тарафларнинг талаб ва эътирозларини асословчи фактларни аниқлаши, ишга қўшимча жавобгар ҳамда учинчи шахсларни жалб қилиши, далиллар тўплаш доирасини аниқлаши зарур.



Ворислик ҳуқуқи бўйича меросхўрлар судга меросхўр деб топиш ва мерос мол-мулкини бўлиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ва мерос мулкини бўлиш, васият қолдирувчининг муомалага лаёқатсизлиги оқибатида қолдирган васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрнинг васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ва мерос олиш ҳуқуқи ҳамда мерос қолдирувчининг қарзларини мерос ҳисобидан ундириш тўғрисидаги даъволари билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Мерос қонунчилиги бўйича мерос талаб қилиш учун муддат татбиқ этилмайди.

Судлар томонидан бу тоифа ишлар кўрилишида авваламбор мерос низоси предмети бўйича тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг мукаммаллиги аниқланиши, акс ҳолда эса уларни судлар томонидан талаб қилиб олиш чораларининг кўрилиши шарт.

Шунингдек, судлар томонидан мерос мулкидан меросхўрларнинг улушини белгилашда фоиз ҳисобидан эмас, балки қисм-улушларда ҳисоблашлари лозим.

Алқисса, мерос билан боғлиқ низоларни ҳар тарафлама тўлиқ, холисона ва синчковлик билан кўриб, амалдаги қонун талаблари доирасида қабул қилинган қарорларгина адолатли ва тўғри ҳисобланади.

## ХОДИМ КАСАЛ БЎЛИБ ҚОЛГАНДА

**Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради**

***Савол: Ходим 2005 йил 1 сентябрдан лавозими қисқарганлиги сабабли ишдан бўшатилиши керак. Шу йилнинг 1 июлидан унга огоҳлантириш хати берилган эди. Унга 8 августдан касаллик варақаси очилган. Бундай шароитда қандай йўл тутиш керак?***

**А.САЪДУЛЛАЕВ,**
**Питнак шаҳри**

**Жавоб:** Иш берувчи меҳнат шартномасини технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги муносабати билан бекор қилиш нияти ҳақида ходимни Меҳнат кодексининг 102-моддасига мувофиқ камида икки ой олдин ёзма равишда имзо чектириб таништириши зарур. Иш берувчи ходимни иш билан таъминлаш чорасини кўриши, муассасадаги бўш ўринларни таклиф қилиши шарт. Ходим розилик билдирса, унинг аризасига мувофиқ уни бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Ходим меҳнат шартномаси давом қилаётган вақтда ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 99-моддаси талаблари асосида бекор қилишга ҳуқуқлидир.

Агар ходим икки ойлик огоҳлантириш муддати давомида ўз аризаси асосида вазифасидан озод қилинган бўлса, унга ҳеч қандай тўловлар (компенсация) тўланмайди. Чунки Меҳнат кодексининг 67, 109-моддаларида ўз ташаббуси билан ишдан бўшаган (99-модда) ходимларга моддий мадад бериш учун қўшимча кафолатлар ва ишдан бўшатиш нафақаси белгиланмаган.

Амалдаги қонунга асосан технологиядаги ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келадиган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги, шу асосда меҳнат шартномаси тўхтатилишини келтириб чиқаради ва Меҳнат кодексининг 100-модда 2-қисмининг I-банди асосида ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинишидан 2 ой олдин иш берувчи ходимни Меҳнат кодексининг 102-моддасига биноан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинаётганлиги тўғрисида ёзма равишда имзо чектириб огоҳлантириши керак.

Иш берувчининг огоҳлантириш хатида иш ҳақи сақланган ҳолда ҳафтада бир кун ходимнинг иш қидириши учун берилиши ҳақида ёзилиши зарур. Бу бир кунни ҳафтанинг қайси кунида бериш иш берувчи томонидан белгиланади.

Меҳнат кодексининг 102-моддасига асосан иш берувчи ва ходимнинг ўзаро келишувига биноан икки ойлик огоҳлантириш муддати пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин.

Штатлар қисқаришидаги Қонуннинг асосий талабларидан бири – бўш лавозимлар бўлганда ходимга таклиф қилиш ва уни иш билан таъминлашдир. Шу сабабли муассасада бўш лавозим бўла туриб у ходимга таклиф қилинмасдан меҳнат шартномаси бекор қилинса, у ноқонуний ҳисобланади ва ходимнинг аризасига мувофиқ меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан у ўз вазифасига тикланади ва ходимнинг розилиги билан бўш лавозимга ишга ўтказилади.

Икки ойлик огоҳлантириш муддати давомида ходимга муассасадаги ички меҳнат тартиби қоидалари татбиқ қилинади. Шунинг учун ходим ўз меҳнат вазифаларини бажармаса ва бузса, унга нисбатан Меҳнат кодексининг 181-моддаси билан белгиланган интизомий жазо чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

Огоҳлантириш муддати икки ойдан ортиқ вақтга ҳам чўзилиб кетиши мумкин. Бунга моддий жавобгар ходим моддий бойликларни топшириши, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик вақти, шунингдек, унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш даври сабабчи бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам Қонунда «камида икки ой олдин огоҳлантириш» деб кўрсатиб ўтилган.

Меҳнат кодексининг 102-моддасига асосан ходимни огоҳлантириш муддатига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, шунингдек, унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмайди.

Сизнинг саволингиз бўйича ходим 1 июлда огоҳлантирилган. Лекин 8 августдан касаллик варақасида бўлиб, (масалан) 8 сентябрдан ишга чиқишга рухсат берилган бўлса, огоҳлантириш муддати 22 сентябр куни тугайди. Агар ходим меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллар даврида икки ойлик огоҳлантириш муддати тугаган бўлса, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинмай ва ходим бу таътилларни тугатиб, ишга чиқиши албатта кутилади. Чунки Меҳнат кодексининг 100-моддаси 3-қисмида меҳнат шартномаси ходимнинг таътилларда бўлган даврида иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходимни бошқа иш билан таъминлашнинг имконияти бўлмаса, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, I-банди билан бекор қилинади. Меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин Меҳнат кодексининг 101-моддаси талаблари албатта бажарилиши зарур, яъни жамоа келишуви ёки жамоа шартномаларида касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилиги олиниши назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмасдан туриб, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши ноқонуний ҳисобланади.

Ходимлар сони (штати) қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда амалдаги Қонунчиликда қўшимча кафолатлар назарда тутилган: Меҳнат кодексининг 67- ва 109-моддаларига мувофиқ ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Ходим ишдан бўшагандан сўнг иккинчи ой давомида ҳам ишга жойлаша олмаса, унинг аризасига биноан (ходим паспорт ва меҳнат дафтарчасини кўрсатиши керак) иккинчи ой учун ҳам нафақа тўланади.

Ходим вазифасидан озод қилингандан сўнг ўн кун муддат ичида маҳаллий меҳнат органидан рўйхатдан ўтиб қўйиши керак. Ана шундагина ходим агар ишдан бўшагандан сўнг учинчи ойида ҳам ишга жойлашаолмаса, маҳаллий меҳнат органи томонидан берилган маълумотнома асосида учинчи ой учун ҳам нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Икки ойлик огоҳлантириш муддати пуллик компенсация билан алмаштирилиб Меҳнат кодексининг 100-модда, 2-қисми, I-банди билан ходим вазифасидан озод қилинганда ҳам Қонунда белгиланган ишдан бўшатиш нафақаси, ишдан бўшатилгандан кейинги иккинчи ва учинчи ойлар учун моддий мадад олиш ҳуқуқи унда сақланиб қолади.

Агар иш берувчи томонидан ходим икки ой олдин огоҳлантирмасдан ёки огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин меҳнат шартномаси бекор қилинса, ходим иш жойига қайта тикланмайди, аммо огоҳлантириш муддатининг қолган барча кунлари учун ходимга ҳақ тўланади ва огоҳлантириш муддати тугаган кундан сўнг меҳнат шартномаси бекор қилинади. Бу ҳақда меҳнат дафтарчасига ўзгартириш киритилади.

### Саволларингизга Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши бош ҳуқуқшуноси Ғофуржон Ғойипов жавоб беради

#### ҚЎШИМЧА ИЖТИМОИЙ ТАЪТИЛ

***САВОЛ: Ўн икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ боласи бор аёлларга қандай қўшимча ижтимоий таътиллар берилади?***

***А.ФАЙЗИЕВ,***
***Гулистон шаҳри***

**ЖАВОБ:** Меҳнат кодексининг 232-моддасига мувофиқ ўн икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Бу таътилни бериш тартиби уни татбиқ этишда ҳисобга олиниши зарур бўлган бир қатор хусусиятларга эга:

1. Меҳнат кодексининг 149-моддасига мувофиқ бу таътил ижтимоий таътиллар жумласига киради. Бундан келиб чиққан ҳолда бу таътилни беришда ижтимоий таътиллар учун назарда тутилган умумий қоидаларга риоя этилади. Хусусан, Меҳнат кодексининг 151-моддаси 3-қисмига мувофиқ, ижтимоий таътилларнинг бошқа барча турлари сингари мазкур таътилдан фақат асли ҳоли бўйича фойдаланиш мумкин, уни пуллик компенсация билан алмаштиришга, кейинги иш йилига кўчиришга, шу билан бир қаторда бу таътилларни бир неча йил учун жамлашга йўл қўйилмайди.

2. Меҳнат кодекси 232-моддасининг 1-қисмига мувофиқ мазкур таътил, айни чоғда қўшимча таътил ҳсобланади. Демак, уни беришда меҳнат таътилининг умумий муддатини жамлашда МКнинг 140-моддасида белгиланган тартибга яъни 48 иш кунидан ошиб кетмаслигига риоя этилиши керак.

3. Меҳнат кодекси 232-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган қўшимча ижтимоий таътил аёлнинг хоҳишига кўра ё меҳнат таътилига қўшиб берилиши ё тегишли иш йили давомида исталган вақтда алоҳида фойдаланиши мумкин.

4. Меҳнат кодекси кўриб чиқилаётган таътилнинг фақат энг кам муддатини назарда тутган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёл қаерда ишлашидан қатъи назар, иш берувчи унга уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан қўшимча таътил бериши шарт. Айни чоғда жамоа келишувида, жамоа шартномасида ёхуд меҳнат шартномасида бундай таътил муддатини узайтириш назарда тутилиши мумкин.

5. МКнинг 150-моддасига мувофиқ ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уч кунлик ҳақ тўланадиган таътилдан ташқари камида 14 календар кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда ҳам таътил берилади.

#### ХАРАЖАТ КИМ ТОМОНИДАН ҚОПЛАНАДИ?

***САВОЛ: Судга ёки терговорганига чақирилган шахсларнинг харажатлари ким томонидан ва қай тарзда қопланади?***

***Г.ШАМСИЕВ,***
***Нурота тумани***

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Жиноят Прцессуал Кодексининг 318-моддасига асосан суд ва тергов органларида процессуал ҳаракатларда иштирок этиш учун жалб этилган жабрланувчиларга, таржимонларга, холисларга, уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар-жой ижараси, кундалик харажатлар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Прцессуал Кодексининг 319-моддасига асосан суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси тариқасида чақирилган шахснинг иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

## ХОРИЖ ХАБАРЛАРИ

**Перуда «Танс» авиакомпаниясига қарашли «Боинг-737» самолёти ҳалокатга учради. Пойтахт Лимадан ҳавога кўтарилган самолёт ноқулай об-ҳаво шароити туфайли Пукальпа шаҳридаги автотрассалардан бирига қўнишга ҳаракат қилган эди, бироқ бу уриниш муваффақиятсиз якунланди. Маълумотларга кўра, унда 100 киши бўлган.**

**Пукальпа шаҳар полицияси раҳбари Ариосто Обрегоннинг таъкидлашича, ҳозиргача қутқарувчилар 41 кишининг жасадини топган. Йўловчилар орасида перуликлардан ташқари Испания, Италия, Австралия ҳамда АҚШ фуқаролари бўлган.**

**Мамлакат президенти Алехандро Толедо фожиа туфайли ҳаётдан кўз юмганлар оилаларига ҳамдардлик билдириб, уларга ҳукумат томонидан ёрдам кўрсатилишини маълум қилди.**

* * *

*Албания марказий сайлов комиссияси мамлакатда ўтказилган парламент сайлови натижаларини эълон қилди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, собиқ президент Соли Баришей раҳбарлигидаги ўнг мухолифат кучлари вакиллари кўпроқ овозга эга бўлиб, сайловда муваффақият қозонган.*

*Маълумотларга кўра, ўнг мухолифат кучларининг муваффақиятига Албания бош вазири Фатос Нано етакчилигидаги ҳукмрон социалистик партия эътироз билдирган. Шундан сўнг ўтган шанба куни уч округда қайта сайлов ўтказилган ва яна мухолифатчилар қўли баланд келган.*



* * *

**Хитойда йўл-транспорт ҳалокати юз берди. Мамлакатнинг Шэньчжень шаҳрида катта тезлик билан ҳаракатланаётган автобус одам гавжум йўлкага чиқиб кетди. Натижада йигирма киши ҳалок бўлди, ўндан зиёд одам жароҳатланди.**

**Маълумотларга қараганда, ҳайдовчи автобусни бошқаролмай қолган. Айни пайтда полициячи воқеа сабабларини ўрганмоқда.**

* * *

*Бағдодда Ироқ адлия вазирининг ўринбосари Ҳошим Иброҳим ўтирган автомобил ўққа тутилди. Бахтли тасодиф туфайли унинг ўзи омон қолди, лекин тўрт нафар қўриқчиси ҳаётдан кўз юмди.*

*Ироқда ўтган душанба куни ҳам шундай воқеа рўй берган эди. Бағдод ва Киркук шаҳарлари оралиғидаги трассалардан бирида мамлакат атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазири Нормин Усмон кетаётган автомобилга номаълум кимсалар томонидан ўқ узилган, қўриқчиларнинг эпчиллиги туфайли вазир омон қолганди.*

* * *

**Доғистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари томонидан Бўйноқ туманида жангариларга тегишли омбор топилди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, омборда қўлбола портловчи мосламалар, гранатомёт, ўқдори, тўппонча ҳамда электрон детонаторлар бўлган. Шунингдек, бу ердан диний-экстремистик таълимга мўлжалланган адабиётлар борлиги ҳам аниқланган.**

**Жиноят юзасидан тергов-суриштирув ишлари бошлаб юборилди.**

**(ЎзА)**

## Спорт оламида

*Футбол*

### ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИДА МДҲ ЖАМОАСИ ЙЎҚ

Европа чемпионлар лигаси баҳсларининг ҳал қилувчи учинчи саралаш ўйинлари ниҳоясига етди. Гуруҳ баҳсларига йўл олган жамоалар номи маълум бўлди. Шуниси қизиқки, гуруҳ баҳсларига МДҲ мамлакатларидан бирорта жамоа йўлланмани қўлга кирита олмади.

Москванинг «Локомотив» жамоаси сафарда Австриянинг «Рапид» жамоаси билан дурангга (0:0) имзо чекканди. Ўз уйида ўтказилган жавоб учрашувида москваликлар кичик 0:1 ҳисобида имкониятни бой бердилар.



Донецкнинг «Шахтёр» жамоаси УЕФА кубоги баҳсларида иштирок этадиган бўлди. Қолган ўйинларда ишонарли ғалабага эришган Белгиянинг «Андерлехт», Англиянинг «Эвертон», «Манчестер Юнайтед» Германиянинг «Вердер» жамоалари гуруҳ баҳсларига йўл олди.

Шундай қилиб, Монакода ўтадиган қуръа ташлаш маросимида Кўҳна қитъанинг 32 жамоаси гуруҳларга бўлинган ҳолда ғолиблик учун курашадилар. Испания, Англия ҳамда Италиядан тўрттадан жамоа турнирда қатнашса, Германиянинг уч жамоаси гуруҳ баҳсларига йўл олган. Баъзи мамлакатлар - Франция, Португалия, Голландия, Бельгия ҳамда Грециядан иккитадан жамоа ўз юртлари шарафини ҳимоя қилади. Яна етти мамлакат биттадан жамоа билан нуфузли турнирда иштирок этади.

### БЕРЛУСКОНИ – ШЕВЧЕНКОНИНГ ЎҒЛИГА ТУТИНГАН ОТА



Италия бош вазири Сильвио Берлускони «Милан» футбол клуби президенти эканлиги ҳаммага маълум. Энди Бош вазир жамоасининг украиналик ҳужумчиси Андрей Шевченконинг ўғлига тутинган ота бўлишини билдирди. Бу маросим 29 сентябр, яъни Андрей Шевченконинг туғилган кунида бўлиб ўтади. Украиналик ҳужумчининг ўғли Жордан ўтган йилнинг 29 октябрида таваллуд топганди.

Шунингдек, Берлускони Андрей Шевченконинг буюк ўйинчи эканлигини ҳамда у «Милан»да футболчилик фаолияти охиригача ўйнашини таъкидлаб ўтди. Бу билан у Шевченкони Роман Абрамовичнинг «Челси» жамоаси таркибига ўтиши тўғрисидаги гап-сўзларга нуқта қўйди.

### НЕВИЛЛ ЖАРОҲАТ ОЛДИ



УЕФАнинг расмий сайтида маълум қилинишича, Англия терма жамоаси ҳимоячиси Гэри Невилл Европа чемпионлар лигаси саралаш баҳсларининг «Дебрецен» жамоасига қарши навбатдаги ўйинида оёғидан жароҳат олди.

Ўйиннинг 13-дақиқасида майдонни тарк этган ҳимоячи гуруҳ баҳсларининг биринчи учрашувида жамоасига ёрдам беролмайди. Пай чўзилиши натижасида энди футболчи бир ой мобайнида майдонга туша олмайди.

Бу жароҳат Англия терма жамоаси бош мураббийи Свен -Йоран - Эрикссон учун ҳам бош оғриғи бўладиган кўринади. Чунки, терма жамоа яқинда жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида Уэльс ҳамда Шимолий Ирландия терма жамоаларига қарши сафарда тўп суриши лозим. Албатта, 30 ёшли тажрибали футболчи инглизларга ҳимояда жуда асқотиши мумкин эди.

*Профессионал бокс*

### АСОСИЙ ДАЪВОГАР

Ирландиялик ўта оғир вазнли боксчи Кевин Макбрайд июн ойида Майк Тайсон устидан қозонган ғалабаси туфайли WBA чемпиони Жон Руисга қарши жанг ўтказиш учун асосий даъвогар бўлиб турибди. Жанг ўтказиш учун Макбрайднинг промоутер Донг Кинг билан уч йиллик шартнома имзолаши ва ўйин мукофот жамғармасини келишиб олиши лозим.



Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда Макбрайт WBA рўйхатида 20-ўринда бормоқда. Рўйхатни россиялик оғир вазнли Николай Валуев бошқариб бораяпти.

### ПИТЕР НОКАУТ БИЛАН ЮТМОҚЧИ

Нигериялик оғир вазнли боксчи Сэмюэл Питер 24 сентябр куни бўлиб ўтадиган WBO йўналиши бўйича собиқ чемпион Владимир Кличкога қарши жангда ғалаба қозонишига мутлоқо ишонишини билдирган. Агар у жангда ғалаба қозонса, IBF ҳамда WBO йўналишларида чемпионликка расмий даъвогар бўлади.

-Бу жангда худо менга ғалаба ато этади,-деган Питер.- Агар жанг давомида накаутга учратиш имконияти пайдо бўлса, ундан тўла фойдаланаман. Бор кучимни ишга солиб, жангда ғолиб чиқаман.

Нигериялик боксчи яна Владимирнинг бўйи ҳамда масофадан ҳужумлари уни заррача қўрқита олмаслигини айтган.

*Волейбол*

### МУРАББИЙ ТЕРМА ЖАМОАДАН КЕТАДИМИ?



Россия аёллар терма жамоасининг бош мураббийи Николай Карпол ўтган шанба кунги олимпия турнирида ярим финалда Бразилия терма жамоаси устидан қозонган ғалабаси терма жамоадаги сўнгги ўйин бўлганини баён этган. У матбуот анжуманида, жумладан, шундай деган:

-Босиб ўтган йўлимдан тўла қониқиш ҳосил қилдим. Қолаверса, бу менинг олтинчи маротаба олимпия турнирида қатнашувим ҳамда бешинчи маротаба финалда мураббийлик қилишимдир. Асосийси қўл остимдаги қизларга охиригача курашишни ўргатдим. Бир жамоада қизлар билан 14 йилдан буён машғулотлар ўтказаман. Бу вақт мобайнида кўп нарсалар ўзгарди. Шу жумладан, мураббий Карпол ҳам. Энди қизлар билан хайрлашишдан ўзга чора йўқ. Акс ҳолда терма жамоа кейинги ўйинларда мағлубиятлар гирдобида қолиши мумкин.

Финалда россиялик қизларни Куба ёки Хитой терма жамоаси вакиллари билан қийин ўйин кутмоқда. Финал ўйини 28 август куни бўлиб ўтади.

**А.ЮНУСОВ тайёрлади**



# ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

***Кўпмиллатли Ўзбекистон халқини улуғ айём — мамлакат Мустақиллигининг 14 йиллиги билан чин юракдан табриклайди.***



***Барчага эзгулик, бахт-фаровонлик, яратувчилик меҳнатларида муваффақиятлар тилайди!***










# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

*Манглайга кафт қўйиб, олисга боқсам,*
*Эдилдан кўринар бўйларинг, ўзбек,*
*Туш каби жимирлаб минг йил оқса ҳам*
*Номинг айтар қадим сойларинг, ўзбек.*



# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

***Она Ватанимиз фуқаролари, касаба уюшма аъзолари ва ходимларини Мустақиллик байрами билан муборакбод этади. Сизларга бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин!***



